



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 103 (11.414) Баҳоси эркин нарҳда

Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном олган, халқимизнинг гурур-ифтихори бўлмиш азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилигимиз тарихида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни беқиёсдир.

Ислом КАРИМОВ



ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!

2200
2009
ТОШКЕНТ

Чоч, Шош, Бинкент, Тошкент. Ўтган йигирма икки аср давомида бу қадимий ва доимо навқирон шаҳримиз, мустақил Ўзбекистонимизнинг пойтахти шундай номлар билан аталганди. Бугунги сеvimли ва салобатли шаҳримиз Тошкент бўлгунча ва ҳозирги бетакрор қиёфасини касб этгунча қанча-қанча суронли йилларни бошидан кечирмади, дейсиз...



Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент бутун халқимиз сингари Мустақиллик шарофати ила ўз ҳақиқий бахтини топди, чинакам ривожланиш йўлига кирди. Пойтахтимизнинг тарихи қанчалар улғурғон ва шукҳли бўлмасин, унинг бугунги қиёфаси, шон-шухрати, шаънашавкати дилларимизда янада юксак фахр туйғуларини жўш урдириши табиий. Зеро, истиқлолимиз тарихининг илк саҳифалариданоқ мамлакатимиз кўзгуси бўлган Тошкентни жаҳоннинг энг гўзал, серфаиз пойтахтларидан бирига айлантириш ҳаракати бошланиб кетди. Бу ҳаракатнинг бошида ҳаммиша Президентимиз турганлиги кўл жиҳатдан пойтахтимиз қиёфасининг мислиси даражада ўзгариши, ҳар жиҳатдан гўзал, замонавий мегаполисининг қисқа муддатда шаклланишига асос бўлди.

ради. Пойтахтимизга хос муҳим хусусиятлардан, фазилатлардан бири унинг ҳар кун сиёсий, ижтимоий-тарихий, маданий ва долзарб ҳаётий воқеаларга бойлигидир.

2009 йил халқимиз, пойтахт аҳли хотирасида яна бир сана — Тошкентнинг 2200 йиллиги тантаналари билан ўчмас из қолдиради. Зеро, бу йил мамлакатимиз Президентининг Қарори билан пойтахтимизнинг 2200 йиллиги кенг нишонланади.

Қадимий ва ҳаммиша навқирон Тошкентимиз табарруқ юбилейига бағишланган тантаналарнинг нафақат жонажон Ўзбекистонимизда, балки ЮНЕСКО қарори билан жаҳоннинг турли мамлакатларида бўлиб ўтаётгани диққатга сазовордир. Жумладан, яқиндагина Франция пойтахти Парижда «Дунё цивилизациясининг ривожига Тошкентнинг тугган ўрни» мавзусида халқаро анжуман ҳамда Франциянинг расмий, ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва маданий доиралари, халқаро ташкилотлар, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган тантанали маросимлар, юбилей доирасида уюштирилаётган турли кўргазмалар Тинчлик, Дўстлик шаҳри бўлган Тошкентимиз шукҳи ва салоҳияти нақадар юксаклигидан далолат бериб турибди. Кунни кеча

Германия пойтахти Берлинда Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган халқаро тадбирнинг ўтказилиши ҳам фикримизнинг яна бир далилидир. Мамлакатимиз ва пойтахтимизда ўтказилаётган юбилей тадбирлари эса тарихимиз ва аъёнларимизга чукўр ҳурмат ва сардоқат рамзи сифатида ҳаммамизни тўлқинлантирмоқда.

26-27 май кунлари «Ўзбекистон пойтахти Тошкент — 2200 ёшда» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Бундай тадбирлар ҳаётимизга чукўр сингир, пойтахтимиз салоҳиятини янада юксакларга кўтарди.

Шаҳримизда кун сайин рўй бераётган бундай янгиланишлар, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларни кенг оммага етказишда қалам аҳлининг, хусусан, ёзувчи ва журналистларимизнинг фаол иштироки эътишлари ҳам қарз, ҳам фарз дид.

Азиз ижодкорлар! Сизларни сўлим Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан ташкил этилаётган танловда фаол иштирок этишга таклиф қиламиз. Турли йўналишлар бўйича газетамиз саҳифаларида эълон қилинган энг яхши мақола, очерк, лавҳа, ҳикоялар, корреспондентлар махсус шартлар асосида тақдирланади ва рағбатлантирилади.

Диққат: танлов!

ФАХРИМСАН, ГУРУРИМСАН, ЖОНАЖОН ТОШКЕНТ!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги ҳақида газетамиз саҳифаларида эълон қилинадиган энг яхши очерк, мақола, ҳикоя, лавҳа ва репортажлар ҳамда шукўр мавзусидаги фотоҳикоя, фотолавҳа ва фото-репортажлар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Энг яхши очерк, мақола, ҳикоя, лавҳа ва репортажлар учун

Биринчи мукофот (битта) — 1 миллион сўм
Иккинчи мукофот (иккита) — 700 минг сўмдан
Учинчи мукофот (учта) — 500 минг сўмдан
Рағбатлантирувчи мукофот (учта)

Энг яхши фотоҳикоя, фотолавҳа ва фоторепортажлар учун

Биринчи мукофот (битта) — 500 минг сўм
Иккинчи мукофот (иккита) — 300 минг сўмдан
Учинчи мукофот (учта) — 150 минг сўмдан
Рағбатлантирувчи мукофот (учта)

Танлов 2009 йилнинг сентябрь ойида якунланади.

ЖАҲОНДА

- Финляндияда БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун жаҳон молиявий иқтисодий инқирозидан чиқиш йўллари ва курраи заминнинг глобал исиб кетиши муаммоларини муҳокама қилади.
- Россия Федерациясининг Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши юзасидан наватбатдаги музокаралар Швейцариянинг Женева шаҳрида ўтказилади.
- Бирлашган Араб Амирликларида грипнинг А/Н1 N1 вируси билан касалланган дастлабки киши қайд этилди.
- Кеча АКШнинг «Атлантис» шаттли ўзининг етти нафар астронавти билан коинотда режалаштирилган барча юмушларни амалга оширган ҳолда Калифорниядаги захирадаги аэродромга муваффақиятли қўнди.
- Грузияда кучли ёмғир ёғиши туфайли юзага келган сув тошқинлари натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди.
- Жангарилар Судан армиясининг Дарфурдаги базасини қўлга олишга муваффақ бўлишди.
- Олтмиш иккинчи бор ўтказилган машхур Канн кинофестивалининг бош мукофотлари соҳиблари аниқланди. Хусусан, кинофестивалнинг олий мукофоти — «Олтин пальма япроги» соврини австриялик режиссёрнинг «Оқ боғич» фильмига насиб этган бўлса, Гран при мукофотига эса француз фильми лойиқ деб топилди.
- «Фольксваген» автомобилсозлик компанияси иқтисодий инқироздан қийналаётган «Порше» автоконцернига 700 миллион евролик кредит ажратди.
- Чехия пойтахти Прага шаҳрида акробатик рок-ролл бўйича жаҳон чемпионати низоҳисига етди. 12 мамлакатдан 600 нафарга яқин иштирокчи ўзаро куч синашган ушбу нуфузли чемпионатда Россия вакиллари тенг келадиганлар топилмади.
- Япониянинг Fujitsu компанияси бир сонияда 128 миллиард амалиётни бажара оладиган Venus процессорини тақдим этди, бу илгари Intel чипи ўрнатган рекорддан 2,5 баравар юқоридир. Янги процессор суперкомпьютерлар учун мўлжалланган, шунингдек, ундан саноат мақсадларида ҳам фойдаланиш мумкин.
- Буюк Британиянинг «British airways» авиакомпанияси 2002 йилдан бери илк бор зарар кўрганини маълум қилди. Маълумотларга кўра, компания ҳисобот даврини 375 миллион фунт стерлинг (595 миллион АКШ доллари) мейдордаги зиён билан якунлаган. Бунга кейинги вақтларда сарф-харажат ҳажми, хусусан, ёнилғи нархининг ошириши катта асосий сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

ПОЙТАХТИНИНГ БИР КУНИ

Сўнги кўнғирок ХАЙР МАКТАБ, НУРЛИ МАСКАНИМ

БУГУН мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида ўқув йили якунига етиб, сўнги кўнғирок садолари янгради. Мактаб — ҳар биримиз учун қадрли, муқаддас маскан. Беғубор ва қувноқ болалигимиз, ўйинқароқ ёшлигимиз ўтган сўтлуг даргоҳни ҳаммамиз чукўр энтикиш билан эсга оламиз, меҳрибон устозларимиз, қадрдон синфдошларимизни соғиниб яшаймиз.

Мана, бугун эрта тонгдан эғнига оппоқ кийим кийган ўқувчилар қўлларида гулдасталар билан жонажон мактабларига йиғилдилар. Айниқса, 9-синф битирувчиларнинг юз-кўзларида ҳаяжон. Улар бугун меҳрибон ўқитувчилари, қадрли синфдошлари билан хайрлашиб катта ҳаёт сари қадам ташлайдилар. Эндилликда улар академик лицейлар, коллежларда билим оладилар, касб-хунар ўрганадилар. Шуни таъкидлаш керакки, айни кунда шаҳримизда 297 та умумтаълим

мактаблари мавжуд бўлиб, бу йил 9-синфни битирувчилар жами 35.306 нафар ўқувчини ташкил этмоқда. Мактабларда йил бошидан уч босқичда фан олимпиадалари, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўриқ-танловлари муваффақиятли ўтказилди. Бу, албатта мактабларда илғор педагогик технологиялар асосида таълим сифати ва самардорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).



(Давоми. Боши 1-бетда).

Барча мактаблар қатори Миробод туманидаги 110-ўрта мактабда ҳам сўнгги кўнғирок тadbири ўзгача байрамона тус олди. Мактаб ҳовлисида ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар ва бошқа меҳмонлар йиғилишди. Қўлларидан гулдасталар тутиб, саф тортиб турган ўқувчиларнинг қалбларида ҳам қувонч, ҳам ҳаяжон. Тадбирни мактаб директори Шохидда Якубжонова очар экан, бу қўнғирок даргоҳда билим олган, эндиликда мустақил ҳаётга қадам қўяётган битирувчи ёшларга оқ йўл ва омадлар тилади. Тадбирда 4-синф ўқувчилари ўқитувчи устозлари, қадрдон мактабларини мадҳ этиб шеър ва кўшиқлар ижро этишди. Ўз ўрнида 9-синф битирувчилари ҳам сўзга чиқиб қадрдон устозларига

ХАЙР МАКТАБ, НУРЛИ МАСКАНИМ

қарата дил изҳорларини, миннатдорликларини билдириб, анвойи гулдасталар тақдим этдилар. Қувонч куй-кўшиқлар шўх рақсларга уланди. Ҳаяжонли дақиқалар яқинлашиб, мактабда сўнгги кўнғирок сардорлари янгради.

— Бу йил мактабимизнинг 9-синфини 264 нафар ўқувчи битиришмоқда. Мактабимизда математика, физика, иқтисод ва информатика фанларига ихтисослаштирилган синфлар мавжуд. Бу синфларда юқори малакали ва кўп йиллик тажрибага эга ўқитувчилар дарс олиб борадилар, — дейди ўқув маскани директори Ш.Якубжонова. — Ўқувчиларимиз ҳар йили фан олимпиадаларида фаол қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқдалар. Жумладан бу йилги шахар фан олимпиадасида Т.Каттаходжаев информатика фанидан учинчи ўринни эгаллади. 8-синф ўқувчиси Е.Духанова сузиш бўйича республика чемпиони, сув полони бўйича яқинда Алмати шаҳрида ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этади. 8-синф ўқувчиси С.Якубов, 9-синф ўқувчилари А.Бектемирова ва И.Ҳасанов республика чемпионатининг совриндорлари. Яқинда ўтказиладиган «Умид нихоллари — 2009» мусобақаларида иштирок этишади. Бу ўқувчиларимиз мактабимиз фахридорлар. Уларга ҳамisha омад ёр бўлишини тилаймиз.

Ҳақиқатан ҳам иқтидорли, билимли ёшлар юрт келажагидир. Мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ истиқболи бўлган ёшларимизга биз ҳам камолот чўкичи сари парвозингиз балан, йўлингиз ойдин бўлсин деб ният қиламиз.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТДА: 110-мактабда бўлиб ўтган сўнгги кўнғирок тадбирдан лавҳа.

ФАОЛИЯТИМИЗ ДАСТУРУЛАМАЛЛАРИДАН БИРИ

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намойён этмоқда. Маълумки, қисқа вақт ичида мамлакат иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари И.Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотларнинг мақсади ва вазибалари, уларни амалга ошириш йўллари аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлида ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Хозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ўзининг маъно-мазмун жиҳатидан бошқа йиллардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат миллий иқтисодиётнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Аини пайтда бу жараёнлар халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашишни кучайтиришга ҳам таъсир этади. Таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва глобаллашувининг ижобий томонлари билан бирга маълум зиддиятчи жиҳатлари ҳам мавжуд. Шунингдек, мазкур жараёнларнинг яна бир хусусияти жиҳати — жаҳоннинг бир мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказишидир.

Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам аини вақтда глобаллашуви жараёнларининг салбий оқибати сифатида намойён бўлмоқда. Шунга кўра биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирозлари оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнларга таъсирни нуктаи назардан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз жоиздир.

Бу борада чора-тадбирлар давлатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асаридан кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намойён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллари баёни берилган. Шунингдек, 2008 йилда эришилган ижобий натижа ва ютуқлар баҳолашиб, республикаимизда иқтисодий саломатликни янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг яқинда мазкур асар юзасидан семинар-тақдими бўлиб ўтди. Академиямиз қатор профессор-ўқитувчилари семинар-тақдимида иштирок этиб, малака оширдилар.

Юртбошимизнинг мазкур асаридан илгари сурилган гоғларни академиямиз профессор-ўқитувчилари, магистрлари, талабалари томонидан чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унда кўрсатиб ўтилган долзарб масалаларнинг туб моҳиятини англаш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларини билиш мақсадида махсус курснинг жорий этилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари академиямизда олиб борилётган шифокор амалиётида, ўқув, таълим-тарбия соҳасида фаолиятнинг дастуруламалларидан бири сифатида хизмат қилмоқда.

С.ВОҲИДОВ,
Тошкент Тиббиёт академияси
2-сонли ижтимоий фанлар кафедраси мудири, профессор, иқтисод фанлари доктори

ТАНЛОВЛАР БИЛИМ ВА МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТДИЛАР

Маълумки, шаҳримизда бугунги кунда «Йил тарбиячиси» кўрик-танловининг туман босқичлари ўтказилмоқда. Жумладан, яқинда Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ўртасида «Йил тарбиячиси — 2009» кўрик-танлови бўлиб ўтди.



Танловда 78-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Ш.Мирзаева, 432-МТМдан Г.Мақсудова, 118-МТМдан Д.Арифжонова, 509-МТМдан М.Одиловалар тўртта шарт бўйича ўзаро беллашди. Катнашчилар танлов шарҳларига кўра ўз касбини ва иш йўналишини очиб бера оладиган тақдирот, мураккаб педагогик ва психологик вазиятларда оқилона ва одилона йўл тутиш, таълим-тарбия жараёнида дидактик воситалардан фойдаланиш, ўзининг ижодий ва санъаткорона маҳоратини кўрсатиш каби саволларга бор билим ва маҳоратлари, тажрибаларини намойён этган ҳолда жавоб бериб, муносиб ўринларга сазовор бўлдилар. Иштирокчиларнинг ҳар бир чўкишларини нуфузли ҳайъат аъзолари ҳолисона баҳолаб борди. Кўтаринки руҳда ўтган танловда намойиш этилган қизиқарли саҳна кўринишлари, дилрабо куй-кўшиқлар, жозибали рақслар тадбир-

га ўзгача файз киритди. Танлов якунида номинациялар бўйича голиблар аниқланди. 78-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Шаҳноза Мусаева «Йил тарбиячиси» танловининг туман босқичи голиби деб топилди. Қолган иштирокчилар, жумладан 118-МТМ тарбиячиси Дилфуза Арифжонова «Изланувчан тарбиячи», 432-МТМ тарбиячиси Гулноза Мақсудова «Латофатли тарбиячи», 509-МТМ тарбиячиси Мамлакат Одилова «Билимдон тарбиячи» номинацияларига муносиб топилдилар. Голиблар туман халқ таълими бўлими ҳамда касаба уюшмаси томонидан кимматбахо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулором ҲАМИДОВА
СУРАТДА: «Йил тарбиячиси» танловининг Собир Раҳимов туман босқичидан лавҳа.
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

Хозирги глобаллашуви жараёнида ахборот шунчалик тизгики, уларни англаб ва саралаб олишга имкон йўқ. Аиниқса, ахборот макони сифатида кириб келаётган Интернетнинг имкониятлари чексиз. Замонавий ёшларимизнинг баъзилари унга ахборот хазинаси, маълумотлар базаси сифатида қарасалар, баъзилар эса уни шунчаки, дўстлар билан мулоқот қилиш ва мактуб йўллаш орқали вақт ўтказиш деб тушунадилар.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА АНЪАНАВИЙ АНЖУМАН

Кунини кеча Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида юқоридаги муаммо юзасидан 3-босқич талабалари ўртасида илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуман «Ахборот хуружи ва журналист психологияси» мавзусида бўлиб, иштирокчилар ўзларининг «Интернет ва психология», «Электрон ОАВда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг баъзи муаммолари», «Ахборотлашган жамиятда ёшлар психологиясига таъсир этувчи омиллар», «Ўргимчак тури»нинг беминнат хизмати, «Миллий менталитет ва психология», «Кино психологияси», «Психологик методларнинг оммавий ауди-

торияга таъсири» мавзуларида мавзулар қилишди. Унда факультет декани А.Нурматов, «Сибсий менежмент ва халқаро журналистика» кафедрасининг мудири Н.Жўраев, психология фани ўқитувчиси М.Аҳмедова ва бошқалар иштирок этишди. — Мен «Кино психологияси» мавзуси доирасида кичик тадқиқот ишини олиб бордим. Бу менинг биринчи ишим. Анжуман мени изланишга, ҳаётда янада фаол бўлишга ундамоқда», — дейди тадбир иштирокчиси Д.Газиева. Йиғилиш сўнгига ёш тадқиқот эгалари рағбатлантирилди. Унда «Миллий менталитет ва психология» мавзуси бўйича 1-ўрин

С.Холсаидовга, «Ўргимчак тури»нинг беминнат хизмати» мавзуси бўйича 2-ўрин Ф.Раҳимовга ва 3-ўрин «Электрон ОАВда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг баъзи муаммолари» мавзусини олиб чиққан талаба Р.Қўшарбоевга берилди. Шунингдек, голибларга факультетнинг эсдалик совғалари топширилди. Ҳар бир иштирокчининг маърузаси китоб шаклида чоп этирилиши режалаштирилди. Бу каби илмий анжуманлар талабаларнинг ўқув давомида психология фанидан олган билимларини янада мустаҳкамлашга, илмий тадқиқот ишларини давом эттиришга кўмак беради, албатта.

УНИВЕРСИТЕТДА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Иқтидорли, билимли ёшлар ҳаётда ҳар вақт ўзини топа олган. Ватанимизнинг кўпгина иқтидорли ёшлари халқаро университетларда таҳсил олишмоқда. Ўзбекистонда ташкил этилган халқаро университетлардан бири, бу — Тошкент Халқаро Вестминстер университети.

Кунини кеча ушбу университетда ўқув йили якунида ўтказиладиган аънаваний «Очиқ эшиклар кунини» бўлиб ўтди. Бундан кўндалган мақсад, университет ҳақида ва унда таҳсил олиш, инглиз тили ва математика фанларига мавжуд тайёрлов курслари, шунингдек, университетнинг консалтинг хизматлари бўйича республикаимиз ёшларига батафсил маълумотлар беришдир. — Университетда Лондон Вестминстер университети томонидан расман тасдиқланган дастур асосида билим берилади, — дейди университетнинг жамоатчилик билан ишлаш бўйича бош мутахассиси Бердақ Байимбетов. — Шу кунга қадар олий ўқув юртини битирган 400 га яқин талабаларнинг 98 фоизи турли нуфузли ташкилотларда иш билан таъминланган, баъзилари магистратура бўлимида ўқишлари-

ни давом эттиришмоқда. Бу ерда нафақат Ўзбекистон ёшлари, балки чет эллик ёшлар ҳам бевосита таҳсил олишмоқда. Бу йилги «Очиқ эшиклар» кунининг афзаллиги шундаки, биз тарғибот ишларини айнан математика ва чет тили фанларига ихтисослаштирилган мактаб ва лицейларда олиб бордик. Бунинг натижаси ўлароқ бугун университет билимли ва интилувчан ёшлар билан тўла. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, шу йили университет қошида 9-синф битирувчилар учун академик лицей ҳам ташкил этилади. Бу эндигина ўсиб келаётган ёш авлодини билимга, изланишга ундайди. Шу билан бирга бу иқтидорли ёшлар учун катта имкониятлардан биридир.

Эътиқод ОТАКУЛОВ,
ЎзДХТУ талабаси

ИҚТИСОДИЁТ БУНЁДҚОРЛИККА ҲИССА

Жонажон ўлкамизда бунёдкорлик ишлари авжида. Албатта, кенг миқёсда олиб борилаётган қурилиш-тиклаш, таъмирлаш-обод этиш ишларида сифатли бунёдкорлик ашёларининг ўзига хос ўрни бор.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросига муҳим ҳисса қўшиш мақсадида «Ўзқурилишматериаллари» акционерлик компанияси корхоналари ҳам ишлаб чиқариш ҳажминини оширишга, рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи қурилиш ашёларини етказиб беришга саъй-ҳаракат қилишмоқда.

— Жорий йилда корхоналаримизда 920 миллиард сўмлик товар маҳсулотлари тайёрлаш кўзда тутилган бўлиб, — дейди акционерлик компанияси бошқарма бошлиги Аҳмаджон Ҳўжақулов, — бу ўтган йил билан солиштирилганда ўсиш суръати 110,8 фоизни ташкил этади. Шунингдек, сифатли маҳсулотларимизнинг экспорти жорий йилда 84.405 минг АҚШ долларига етказилишини режалаштирганмиз. Бундай товарларга цемент, табиий тошлардан ишланган пардозлаш ашёси, қурилиш гишти, композит, безак панели, шифер сингарилар қиради.

Шунингдек, компания таркибидаги корхоналарда имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда ўз маблаглари, кредит ва бўғридан тўғри инвестицияларни жалб этиш ҳисобига 6 та ишлаб чиқариш объектини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Замонавий пардозлаш материаллари тайёрлаш учун саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Гипскартон, қуруқ пардозлаш аралашмалари, алебастр ва қурилиш бўри, пластик материаллар ана шулар жумласидандир.

Харидорлар учун қулайликлар яратиш ҳам кўзда тутилган бўлиб, 77 та фирма дўкони ва уларнинг филиаллари очилади. Ушбу савдо шохбачаларида компания корхоналарида ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари сотилади. Энг асосийси эса улар маҳсулотлар сифатига, четдан келтириладиган қурилиш ашёлари ўрнини босишга эътибор қаратишиб, республикаимиз қурилиш индустрияси ривожини таъминлайди.

Шарифа ИЛЁСОВА

ТРАНСПОРТ ЯНГИ ВАГОНЛАР

«Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг қуриш-механика заводи янги вагонлар куриш билан ҳам жиддий шуғулланмоқда. Бу ерда юк вагонларини таъмирлаш, тақомиллаштириш ва қайта жиҳозлаш билан бирга янгиликларини яратиш борасида бой тажриба орттирилган. Корхона цехларида ҳар бир турдаги вагонлар учун замонавий конструкциялар ўрнатилди.

Уларни таъмирлаш вагонсозлар бошқармоқдалар. Янги вагонлар қурилиши учун Украинадан металл листларни пайвандлайдиган 20 та ярим автомат қурилмалар олиб келинди. Россиянинг Олтой вагон заводида уюштирилган ўқув курсида эса бир гуруҳ темирйўлчилар ўз билим ва малакаларини оширдилар. Вагон йиғиш, металл чокларини пайвандлаш бўйича ҳам маҳсулотлар ташкил этилди. Бундай малака ошириш жараёни Киевдаги «Фотон» корхонасида ҳам амалга оширилди.

ДАВРА СУҲБАТИ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида транспорт хизмати кўрсатиш масаласига бағишланган давра суҳбати уюштирилди. Унда транспорт хизмати кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштириш бўйича Собир Раҳимов туманига бириктирилган ишчи гуруҳининг фаолияти сарҳисоб қилинди.

«Тошшаҳартрансизмат» уюшмаси томонидан шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига транспорт хизмати кўрсатишда амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Айтиш керакки, шаҳримизда ҳар кун 1288 та автобус, 99 та трамвай, 41 та троллейбус белгиланган йўналишларга чиқаришмоқда.


Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида 11 та янги йўналиш очилди. 53 та йўналишнинг қатнов йўли ўзгартирилди. 283 та ҳаракат жадваллари кўпайтирилди. Хозир кунига 1,8 миллиондан ошдиқ йўловчи ташилмоқда.

БОЛАЛАР ОРОМҲОҲЛАРИ МАВСУМГА ТАЙЁР

Бу йилги болаларнинг ёзги дам олиш мавсумида темирйўлчилар фарзандлари ҳам мириқиб ҳордиқ чиқарадилар. Бунинг учун «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат компанияси ва соҳа касаба уюшмаси кенгаши мавжуд болалар оромгоҳларини мавсумга тахт қилиб ўйдилар.

Мавсум давомида 6750 нафар темирйўлчилар қизил-қизлари ёз гафини сурадилар. Оролбўйи минтақасида меҳнат қилаётган темирйўлчиларнинг 100 нафар фарзанди учун йўланмалар бепул берилди. Ана шу мақсадлар учун компания томонидан 310 миллион сўм ажратилди.

Акбар АЛИЕВ



ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!

Тошкент воҳасининг ниҳоятда қулай географик жойлашуви ва иқлим шароити: гўзал табиати, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг бойлиги, Уғом, Пском ва Чотқол каби маҳобатли тоғ тизмалари ва сойлари билан туташган йирик сув иншооти ҳисобланган Чирчиқ дарёси — буларнинг барчаси ушбу ҳудудда инсон яшаши учун ажойиб бир муҳитнинг юзага келишига ва қадимий деҳқончилик ҳамда шаҳар маданиятининг илк бешикларидан бири шаклланишига асос бўлган.



Шубҳасиз бу борада XIII аср охирида яшган тарихчи Жамол Қарший "бу шаҳар доимо фаровон, суви мазали, иқлими мўътадил, тупроғи унмдор, шаҳар атрофлари ободонлашган" деб таъкидлаган. XIV асрда яшаб ижод қилган бошқа бир муаррих Закарийе ал-Қазвиний: "Шош — озода ва ажойиб, ям-яшил, жуда гўзал ва кўнглили шаҳар" дея таъриф берганлиги ҳам бежиз эмас.

Тошкент воҳаси нафақат гўзал табиати, бой ўтмиш тарихи ва шаҳарсозлик анъаналари, балки инсониятнинг илк аجدодлари яшган маскан тарзида ҳам маълум ва машҳурдир. Айнан Тошкент воҳасидаги Қўлбулоқ ва Обираҳмат ҳудудига Ватанимиз археологлари томонидан сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида замонавий одам шаклланиш тарихининг илк босқичларига оид янги маълумотлар қўлга киритилди ва айнан маъзур кашфиёт дунё илмий жамоатчилиги томонидан оламшумул кашфиёт сифатида баҳоланди. Шубҳасиз, маъзур илмий ютуқни нафақат тарихчи ва инж. археолог олимларнинг, балки мамлакатимиз фанининг энг катта ютуқларидан бири деб эътироф этиш мумкин.

Тошкент воҳасида ўтrock деҳқончилик ва илк шаҳар маданияти қадимий бўлишига қарамай, шаҳарнинг ўз тарихини милотдан аввалги I аср охиридан — ёзма манбалар ва ҳозирги шаҳар ичи-

да камдан-кам учрайдиган бошқарув тизими қарор толган. Тадқиқотчилар унга "чорҳоқимлик" деб ном берганлар. Ҳокимларнинг ҳар бири шаҳардаги тўртта даха — Себзор, Қўча, Шайхонтоҳур ва Бешёғоч даҳасидан бирининг вакили ҳисобланарди.

Тошкент шаҳри охириги вақтларда анъанавий тарзда минтақадаги йирик илмий тадқиқотлар ва маданият маркази тарзида машҳур бўлган. XX аср маърифатпарварлик ҳаракатининг машҳур вакиллари бўлган Мунавварқори Абдурашидов, Абдулла Авлоний, Тавалло каби йирик олимлар яшаб ижод қилган. Айнан мана шундай илмий миллий мактаб асосида кейинчалик Фанлар академияси ташкил қилинган. Бугунги кунда Ўзбекистон Фанлар академиясини турли фанлар йўналишида илмий тадқиқотлар олиб борилаётган йирик муассаса ёки бошқа тарзда айтаганда мамлакатимиз фанини илгари суратган "локомотив" сифатида баҳолаш мумкин. Қолаверса айнан маъзур шаҳарда Абдулла Қодирий, Фафур Гулом, Ойбек, Хамид Олимжон, Зулфия каби XX аср ўзбек адабиётининг йирик намоёндалари яшаб ижод қилган.

Мустиқилликка юз тутганимиздан сўнг шаҳар тараққиёти тарихида янги саҳифа очилди. Айнан Истиклол йилларида шаҳар нафақат мамлакат пойтахти, балки Марказий Осиё минтақа-

ТОШКЕНТ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА ҲАМИША ОБОД БЎЛ, НАВҚИРОН ШАҲРИМ!

Ақлимни танибманки, Тошкентни кўраман, кузатаман, қўқислайман, ўйлайман. Тошкентликман, лекин азим пойтахтни беш қўлдай биланман дея олмайман. Сўнгги беш-ўн йил ичида нечанича шожўчалар, узун-узун кўприklar, шохона майдонлар, бетақор қошоналар, маҳобатли бинолар қурилмади, дид билан ишланган, юксак истеъдод самараси бўлган ҳайкаллар ўрнатилмади, ям-яшил майсазор, гўлзор, манзарали дароҳлардан боғлар барпо қилинмади, анҳор қирққлари сўлим сайроҳга айлантирилмади? Тошкент фавворалари мўътадил об-ҳаво яратади, кўзни қувонтиради.

Шаҳарлар боқийдир, умр ўткинчи
Дарёлар собитдир, сувлар — кўчинчи.
М.ШАЙХОЗДА

XX асрнинг ўрталаригача Эски шаҳарда кўга ярқ этиб ташланган обод кўча, қошона, сўлим сайроҳ деярли кўринмасди. Хар кимники ўзига, ой кўрнани кўзига деганларидек, ёшлар кўли билан Чорсуни туташтирадиган Бешёғоч кўчаси, менимча, кўрам, замонавий эди. У, нари борса уч чакирим келарди. XX аср аввалида, кўча қатнай бошлагач, Бешёғоч тилга тўшди. Ун йил ўтгач, кўча электр қуввати билан юрадиган трамвайга айлан-тирилди. Кўча асрида кенг эди. Тўрт-икки қаторли пўлат излар элқизирилиши, адл устунларга элқиз симларининг ўтказилиши уни тордай кўрсатади. Кўчанинг иккала бети тизил қурилган уйлр-у жин кўчалардан иборат эди. Бир қатор қурилган уйлрға бир тавқали эшиклардан кирилган. Авваллари торлиги дарҳол сезиларди. Бизнинг оиламиз Бешёғочнинг 164-хонадониде яшарди. Бом-уми XX аср бошида, кўча келмасдан бурун кўча эди.

Бешёғочдан Чорсуғача трамвайнинг «Гулистон», «Чакра», «Кўк масжид», «Коратош» бекатлари бўлиб, хар бекатда чойхона, нон, сабзавот дўкони, сартарошхона, кичкинагина бозорча, маҳорат илдориси буларди. Бешёғоч тош кўча эди. Хар баҳорда мохир тоштерларлар хунарларини ишга солган, тошларни эринмасдан қайтатдан терар эдилар. Усталар кўлида тошлар жонлидай харакатланган, болға-теша билан қазилган хардқаларга дарҳол жойлаша қоларди.

Кўча кишин-ёзин гажум бўларди. Уйлрни зириллатиб уч вагонли, эшикларни ёпилмайдиган трамвай уёқча-бўёқча бориб келаверарди. От арава, бричка, извош, юк машинаси, устига сомон, писта кўмирили қанорлар ортилган туялар, моллини бозорга етаклаган чорвадорлар, юк орқаларга ҳаммоллар, паранжили, очик юз аёллар, обқаша сўт-қатик солинган бидонларни кўтариб зигиллаб бораётган ёш-яланглар. Баҳорда ётқизилган тошлар ораси қўшқача нос ранг чакичдилар, писта пўчоқлари, хас-хусга тўлиб қоларди.

Юриб бораётган трамвай зиналарига эгичлик билан чиқиб олиш, маҳорат билан сакраб тушиш ўсимир-ийигитчаларга мартаба эди. Бундай «мардлик» баъзида ноҳушлик билан тутарди.

Хозирги ёп-ёруғ, теп-текис, кенг-адл йуллар олдиде Бешёғоч кўчаси ип шолмасди. Йул — юртининг, шаҳарининг уриб турган қон томири, у бақувват, серхаракат бўлса, ҳаёт изчил давом этаётган бўлади. Истиклолдан кейин кўчасозликка

алоҳида эътибор берилди. Муҳими, кўчалар қавати ортмоқда. Ер ости метро йули, ер юзи ва ер усти йуллари. Хозир Тошкентда 2-қават йуллар, катта чорраҳалар устига қурилаётган кўприklar қўпаймоқда. Дарвоқе, кўприklar ҳақида...

Болалигимда мени хайратга солган ишоот — биринчи «симон кўприк» эди. Уша пайтларда биз учун «симон кўприк»дан маҳобатлиси йўқ эди. «Симон кўприк» хали бор. У Миллий бог ортидаги Буржар устига қурилган. Хозир ундан одамларгина юриди, транспорт катнамайди.

Ўтқир Хошимов «Дунёнинг ишлари» қиссасида ўша «симон кўприк»ни маромига етказиб тасвирлаган. «Симон кўприк»дан ўтишининг ўзи томоша. Терак бўйи чўқурликда сув қорайиб оқади. Мўраласангиз бешчингиз айланеди. Ойим кўприк четиға бориға кўпмайди, сув чакирармиш, одам ўзидан-ўзи тушиб кетармиш.

«Симон кўприк» қувур вази-фасини ҳам ўтарди. Бешёғочдан ўтадиган, ишлар кўли су-вини янгилаб турадиган анҳор «симон кўприк» қувуридан ўтади. Қувурнинг бунчалик қоронги, узун, қўрқинчи бўли-шини ўша сувдан оқиб ўтганим-да билганман. Қўзим, «симон кўприк»нинг бир томони шаҳар чегарасида, иккинчи томони кишлқўннинг бошлиғида эди. Биз ёзда далада яшаб, қида шаҳарда қишлайдиганлар йил давомиде неча-неча бор «шаҳарли», «кишлқўн» бўлиб қолардик. Хозир Тошкент шаҳар-матли, мустаҳкам кўприklar шахрига айланган. Авваллари Якачўп, Осмакўприк, Алвасти кўприк, Хотин кўприк, Чўкур кўприк, Тахта кўприк деган омонат қурилмалар кўп эди. Кўприк икки қиргоғи бир-бирига яқин сув устига қуриларди. Бундай жойда сув ўқириб, кўпикланиб, қутуриб оқади. Кўприкдан қоракни ховуқлаб, катталар пинжиға тижлиб ўтар-дик. Биз — катта, кичкина чилонзорликлар бозор-Учар, савдо-сотик қилиш учун Асия бозорига катнардик. Буржар устига қурилган омонатнига кўприк пастликда эди. Бошдаги тоғора, орқадан қоп билан кўприкка тушмиш, юқорига кўтарилиш тинкани қўришиб юбарди.

Авалги кўприklarдан ўтиш азоб-уқубатнинг ўзгачиси эди. Хозирги кўприklar — 2-қават йуллардан юриш роҳат. Узок-узоклар қўринадик, азим пойтахтни юксакликдан томоша қилаётгандай хис этасиз ўзингизни.

60-70 йил муқаддам Тошкентда кўп қаватли бинолар деярли йўқ эди. Тошкент табиий институтидан Бешёғоч майдониға, вокзалдан Чорсуға катнайдиган трамвайларнинг «Му-стаҳасиллар уйи» (Дом специа-листив) деган бекатида 3-4 та тўрт қаватли уй диққатни жалб

қиларди. Ўтган асрнинг 60-йил-ларидан эътиборан «Хрушчев уйлари» номини олган тўрт қаватли, бир хил қолипдаги, кўрмисиз уйлр қўзқориндай потирилаб пайдо бўлди. Хозир қурилаётган биноларнинг хар бири ўз кўрк-таровати, миллий бетақорлиғига эга. Одамлар авваллари кўп қаватли уйлрда яшашдан бош тортар, ор қиларди. Хозиргилар озода, ёп-ёруғ, катта-катта хонали «дом-лар»да яшашни орзу қиладик.

Учинчини битирганимизда, 1954 йилнинг ёзида Хамза (хозирги Миллий) театрининг Пушкин (хозирги Абдулла Қодирий) боғидаги ёзи биносида «Отелло» трагедиясини барчанимиз — 19 синфдош томоша қилганмиз. Ушанда Аброр Хидоятлов — Отелло, Сора Эшонтураева — Дедемонани ботириб қолганмиз. Машҳур санъаткорлар, санъат турларига меҳринимиз жўш урган. Лекин хайратлиси шундаки, спектакль қоқ ярим кенгача давом этган. Хар бир кўриниш, пардадан кейин саҳна қурилиш майдониға айланар, арра, болға, болта товуши баралла эшитиларди. Усталар тезде янги декорацияларни яратардилар. Улар ўз соҳаларининг фидойилари эдилар.

Тошкентда хар касб, соҳанинг фидойилари ниҳоятда кўп бўлган. Мен мактабда дарс берган хар бир ўқитувчимни, уларадиги беназир фаизлатларни гурур, хавас билан эслаймман, унутмаганман. Тошкент кишиларидеги фидойилик педдагоглар, созандалар, хофизлар, табиблар, хунармандлар сулолаларида анёқ кўринадик. Тошкент кўрғиға қўрк, файзиға файз қўшаётган, овозасини оламга таратаётган сулолалар, нурили сўлимолар ҳақида қанча ёзилса шунча оз. Қўча Тошкентнинг машҳур ўн икки дарвозаси ҳақида кўп, соз ёзилган. Улар қанчадан-қанча воқеа, ходисаларға гувоҳ бўлмаган? Хозир Тошкентнинг бош, асосий дарвозаси аэропорт дейилади. Бу дарвозадан улуг пойтахтимизға дунё танган қанчадан-қанча зотлар, арборлар кириб келаятди. Мухтаран Юртбошимиз улкан давлатлар раҳбарларини Бош дарвозада кутиб олади. Олий мартабали меҳмонлар юртимизға жаҳон нафасини, дунё муаммоларини олиб келадилар. Пойтахтимиз қорағи — Оксаройда олам муаммолари донишмандлик билан, ба-маслаҳат хал қилинадиган издиҳомлар тез-тез бўлиб туради. Мустиқиллик майдони — Ўзбекистон Республикасининг қурки, файзи, рамалари инфодаси, гуруримиз, фахримиз.

Хамиша обод, эъзоз-эътиборли бўлавер, навқирон Тошкентим!

Абдуғафур РАСУЛОВ,
Ўзбекистон Республикасининг
фан арбоби

НАЗМ БЎСТОНИ

Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

ТОШКЕНТ ҲАЗАЛИ

Доимо бўлсин омон, Тошкент, азиз бошинг сенинг,
Икки мингу икки юз йилдан зиёд ёшинг сенинг.

Минг китоблар бағрида иншо этилмиш бул мақом,
Кўринур олис тарихлар қаъридан Шошинг сенинг.

Санъату ҳикмат сенга икки қанотдир даҳр аро,
Ўзбегим меҳри бўлибдир мангу наққошинг сенинг.

Қалбга малҳам мавжланиб оққан зилол Анҳор суви,
Марвариддан ҳам зиёддир бизга ҳар тошинг сенинг.

Бўю бастингга Самарқанду Бухоро елкадош,
Не замонлар забтига куч берди бардошинг сенинг.

Сен бугун тахт қасридорсан Ўзбекистон бағрида,
Илму санъат ичра тенг олимга фаррошинг сенинг.

Ҳар маҳалланг меҳру бахт, иймону эҳсон қалъаси,
Тонг саҳардан дош қозонлар лим тўла ошинг сенинг.

Бир вужуд, бир оила, бир хонадон, бир тан ва жон,
Энг яқин дўсту қадрдон — барча қардошинг сенинг.

Қайси бир юртларни кезмай, сенга интилдим мудом,
Жисму жонсан биз учун — биз ҳам кўзу қошинг сенинг.

Бир улуг шаҳри муаззамсан, жаҳон оруз этар,
Нурли манзилларға бошлар шошли Юртбошинг сенинг.

ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Ж. ФУСМАН,
«Де Франс» коллежи профессори:

Тошкентда ўтказилган археологик тадқиқотлар ушбу шаҳарнинг қадимдан фан, илм ва маърифатнинг минтақавий марказига айлиб келганини кўрсатади. Ўзбекистон пойтахтининг шакллантирилиши асосан мустиқилликка эришилганидан кейин келажакка мўлжалланган аниқ архитектура лойиҳаларига мос равишда амалга оширилаётганига бугун барчамиз гувоҳимиз. 2200 ёшга қираётган Тошкент XXI асрда ҳам сиёсий, иқтисодий ва меъморий жиҳатдан асосий минтақавий марказ бўлиб қолиши шубҳасиздир.

В. ФУРНЬЕ,
Франция олий таълим вазирлиги ижтимоий тадқиқотлар олий мактаби профессори, мамлакатнинг Марказий Осиё бўйича тадқиқотлар институти (IFEA) собик директори:

Тошкентда бир неча йил яшган давримда мен Ўзбекистонда турмуш фаолиятининг барча жаҳалларидаги улкан янгилашларнинг гувоҳи бўлдим. Тошкент ҳақиқатдан ҳам дунё цивилизациясининг ривожланишида муҳим ўрин тутди. Амалга оширилган археологик топилмалар ушбу ҳақиқатни тасдиқлайди. Айни пайтда Тошкент Марказий Осиёдаги энг ривожланган мегаполислардан бири саналишға ҳақли бўлган навқирон ва замонавий шаҳар ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, мустиқиллик даврида маданий меросга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистоннинг дунё цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшганига ёрқин гувоҳлик берувчи бебаҳо тарихий маданияти айнан мустиқиллик йилларида муносиб баҳоланди. Бу мамлакатда бўлиб ўтган кенг қўламли ижтимоий ва маънавий ўзгаришлардан гувоҳлик беради.

Нодия Иброҳим КАФФОФИЙ,
Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

Ўзбекистонга келган киши унинг сайёҳлик салоҳиятига тан бериши, шубҳасиз. Айниқса пойтахтининг Тошкентда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари диққатга сазовор. Мамлакатингизга келганимиз уч йил тўлаётган бўлса-да, бу ердаги муттасил ўзгаришлардан ҳамон хайратланиман. Тошкентдаги бетақор меъморий обидалар ва сержило тарихий ёдгориқлар, кўрмалар ва замонавий меҳмонхоналар, маҳобатли иншоотлар, юқори сифатли хизмат кўрсатувчи ресторан ва қаҳвахоналар, музей ва галереялар, ҳашаматли спорт мажмуалари хар қандай кишида бой таассурот қолдиради.

Илко СЛАВЧЕВ,
Болгариянинг Ўзбекистон Республикасидаги Муваққат ишлар вакили:

Халқларимизни ўзига хос кўринмас, лекин узилмас хотиралар боғлайди. Янбола ва Хасково шаҳарларининг кўплаб фуқаролари ёши анча улуг бўлса-да, аммо ҳануз азим Тошкент, унинг меҳмоннавоз одамларини гурур билан тилга олиб, биргаликда шаҳарни тиклашға ҳисса қўшган дамларини ёдга олишади.

Эндилкида сизнинг гўзал анъаналарингиз, меҳмондўстлигингиздан ўзим ҳам баҳраманд бўлаётиман. Дарҳақиқат, сизни жаҳон ила ва аслрлар оша дўстлик, ҳамжихатлик, бағрикенг, саховатпешаликка йўғрилган кадрларингиз боис дунёда номи кетган халқ дейишлари бежиз эмас экан!

Жаҳонда юксак эътироф этиб келинаётган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги нишонланаётган экан, ўзбекистонликларга соғлиқ, омонлик, бахт-саодат тилаймман. Дўстона ва шерикчилик муносабатларимиз янада чуқур илдиз отиб, мустиқилликни боғлашчи истаб қоламан.

«ШАРҚ ДАРВОЗАСИ» ДОИМИЙ РИВОЖЛАНИШДА

даги қадимги шаҳар харобаси — Минг-ўрик сақланиб қолган вақтдан бошланганини кузатиш мумкин. Қадимги шаҳар ўрнини археологлар ўн йиллар мобайнида чуқур ўрганишган. Шу тахлит унинг тарихий топографияси, истеҳкомларини қисман қайта тиклаш ва бизнинг давримиз чегарасидан туриб шаҳар тарихини аниқлашға ҳаракат қилинган. Шаҳар қурилиш астафетасини Шоштепадан қабул қилиб олган ва у ерда топилган дастлабки шарҳланган манзилгоҳнинг меросхўрига айланган деб айтиш мумкин.

Тошкент қадимий бўлиши билан бирга муҳим халқаро трансконтинентал савдо йули чорраҳасида жойлашган шаҳар ҳамдир. Асосий қарвон йўлларининг ва халқаро транзит савдоси марказининг шимол томонга силжиши ҳам Чочининг оқсалишиға қулай имконият яратган. Бу эса Тошкентнинг Шарқ ва Фарб ўртасида ҳамда турли халқлар ва маданиятларни бир — бири билан боғловчи муҳим марказ сифатидаги ўрнини белгилаб берган. Ҳақиқатдан ҳам Тошкент аслрлар давомиде энг муҳим савдо-сотик тармоғи бўлган БУК Юк Ипак йўлида Шарқни Фарб билан боғловчи асосий манзил вазифасини ўтаган. Айнан шу сабабли ҳам Тошкент «Шарқ дарвозаси» деган номға сазовор бўлган бўлса керак.

Урта аслрларда Тошкент — Бинкат номи билан машҳур бўлган бўлиб, у ривожланган хунармандчилик ва бадий маданият (кулолчилик, шишачилик, танга зарб қилиш, ипакичилик ва х.к.) маркази бўлган. Шундан бўлса керак, таниқли географ олим ва сайёх Макдсий: «Бинкатнинг сопол идишларига тенг келадигани йўқ», деб хабарлаган. Дарҳақиқат, азал-азвалдан шаҳарда хунармандчилик ва бадий маданият намуналари гоят юксак технология ва бадий савияда тайёрланган бўлиб, бу X асрда яшган араб сайёҳини хайратда қолдирган бўлса ажаб эмас.

Тошкент қадимдан маданият ва илм-фан ўчоғи бўлган. Айниқса IX аср охири — X асрда Тошкент ислом маънавий-маданий тараққиётининг йирик марказига айланган бўлиб, бу ердан Хўжа Абдулла Азиз Аълаббардор, Абу Бакр Мухаммад Кафол Шоший ва шайх Хўжа Аҳрор Валий каби ислом оламнинг машҳур намоёндалари билан бирга Шарқнинг мумтоз шоирларидан Абу Мухаммад ал-Матроний ва Бадриддин Чочий ҳамда машҳур хаттот Жамшид Шоший каби йирик илм-фан намоёндалари етишиб чиққан.

XVIII аср охирида Тошкентда Шарқ-

сида жадал тараққий этиб бораётган йирик мегаполисга айланди. Мустиқиллик Тошкент тисмолида ўзбек халқи учун тарихий меросни қайтадан аниқлаш, миллий гурур, ўз маданияти ва анъаналари, тили ва маънавиятини қайта тиклаш имкониятини юзага келтирди. Ушбу қисқа тарихий, аммо салт-моғи жиҳатидан юз йилликларға тенг бўлган давр ичида Тошкент бетақор кифоғага эга бўлди. Хозир юртимизда ривожланган давлатлар таърибаси, шунингдек, миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бозор иқтисодиётиға асосланган, демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар олиб борилаётган. Натижада замонавий Тошкент ривожланган индустриал ва молиявий-иқтисодий асосга эга бўлган минтақадаги энг йирик мегаполис шаҳарларидан бириға айланди.

Бугун нафақат мамлакатимиз ҳаётида, балки бутун жаҳон жамоатчилиги учун ҳам унутилмас кун. Чўнки биз Марказий Осиёнинг энг қадимги ва ўз навбатида ривожланган мегаполис шаҳарларидан бири бўлган Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейини нишонламоқдамиз.

Маълумки, ЮНЕСКО Бош Конференциясининг 2007 йил 2 ноябрда бўлиб ўтган 34-сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини халқаро миқёсда нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелдаги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашға таййирларлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори эса, бу улкан санани халқаро миқёсда нишонлаш ишларини кенг қўламада бошлаб юборишға асос бўлди. «Ўзбекистон пойтахти — Тошкент 2200 ёшда» навозида ўтказилаётган эртанги халқаро илмий конференцияни ана шу ишларнинг асосий, энг муҳим юбилей тадбирларидан бири сифатида баҳолаш керак.

Конференциянинг асосий мақсадларидан бири Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тарихини илмий асослаб бериш ва айнан шаҳарнинг ўтмиш тарихи, бой шаҳарсозлик анъаналари ҳамда ўзбек халқи давлатчилик тарихида тутган ўрнини илмий асосда кўрсатиб бериш ҳисобланади.


Тошкент тарихи — ёрқин, ўзига хос ва кўп қирралидир. Бўни дастлабки шаҳар шаклларида то ҳозирги кунгача тараққиётининг барча босқичларини ўзида акс эттирган конференцияға тақдим этилган маърузалар ҳам тасдиқлайди.

Дилором АЛИМОВА,
тарих фанлари доктори,
профессор,
Атхам АШИРОВ,
тарих фанлари доктори

«КЕЧАГИ ВА БУГУНГИ ТОШКЕНТ»

ФОТОКЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ!

Хурматли
хамшаҳарлар,
азиз пойтахтими
меҳмонлари!
26-31 май кунлари
Фотосуратлар уйида
Тошкент
шаҳрининг
2200 йиллигига
бағишланган
«Кечаги ва бугунги
Тошкент» мавзуида
фотокўргазмаси
намойиш этилади.



Кечаги ва бугунги Тошкент * Tashkent – yesterday and today * Tashkent – вчера и сегодня

Мусобақалар

САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Инсонпарварлик, Беғаразлик, Бетарафлик, Мустақиллик, Ихтиёрлик, Ягоналик, Универсаллик каби бир қатор эзгу тамойиллар асосида мана 84 йилдир, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши ҳам шу тамойилларга асосланган ҳолда аҳоли ўртасида, шу жумладан ёш авлоднинг соғлом воғга етишига ҳисса қўшиш мақсадида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда ўсимирларни фавқуллодда вазиятлар юз берганда ўзига ва ўзгаларга биринчи тиббий ёрдам кўрсата олиш билмаларига ўргатиб келмоқда.

Ушбу билим-кўникмаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ҳар йили анъанавий тарзда шаҳар миқёсида «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақаси ўтказиб келинади.

Шаҳримиздаги энг сўлим Ф.Фуллом номидаги маданият ва истироҳат боғида кеча ушбу мусобақа «Бизнинг

дунё — сенинг ҳаракатинг» шиори остида катта кўтаринкилик ва уюшқоқликда бўлиб ўтди. Унда «Саломатликнинг ёш дўстлари» туман мусобақасида голиб бўлиб, фахрли биринчи ўринни эгаллаган санпост аъзолари иштирок этиб, 8 босқичда ўзаро беллашдилар.

«Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасини ўтказишдан асосий мақсад — дейди биз билан суҳбатда Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Умида Мухамедова, — ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти тарихи ва фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот бериш ва ёшларда инсонпарварлик туйғусини янада ривожлантиришдан иборатдир.

Барча қатнашчилар саф-

да туриш, санитар сумкасини, санпост кундалигини текшириш, рапорт бериш, жароҳатланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш асослари ва амалий ёрдам, уйда ётикли беморларга қараш, шахсий ва жамоатчилик гигиенаси, доривор ўсимликлар ва уларнинг қўлланилиши, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти тарихи ва фаолияти ҳақида, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари ва ИТХ юз берганда биринчи ёрдам кўрсатиш, уй вазифаси каби шартлар бўйича ўзаро беллашиб голиблик учун астойдил интилдилар.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, мусобақаларга тайёрланиш жараёнида шаҳримиздаги барча туманларда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши ходимлари томонидан ўқув семинарла-

ри ташкил қилиниб, мактаб ўқувчилари ва ҳамширалари 26 соатлик дастур асосида ўқитилди.

Ҳар бир шарт бўйича бор билим ва маҳоратларини кўрсатиб, бир-бирларини қўллаб-қувватлаб мусобақанинг жонли ва қизиқарли ўтишига ҳисса қўшган санпостчилар аниқланиб, голиблар эълон қилинганда томошабинлар уларни давомли қарсақлар билан олқишладилар. Демак ҳақамлар ҳайъати мусобақа голибларини адолатли ҳал этган, муносиблар ичидан муносиби давра туридан жой олган. Шундай қилиб мусобақада Яқсарой туманидаги 118-мактаб жамоаси 1-ўринни эгаллаб, доривор ўсимликлар жой олди, 2-ўринга Ҳамза туманидаги 166-мактаб, 3-ўринга эса Собир Раҳимов туманидаги 191-мактаб жамоалари сазовор бўлди. Деворий газеталар танловида ҳам энг муносиб номзод — Ҳамза туманидаги 166-мактаб жамоаси голиблик шохсупасидан ўрин олди.

Мусобақа сўнгида голиб ва иштирокчиларнинг барчаси Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгашининг Фахрий ёрлик ва қимматбахо эсдалик соғвалари билан тақдирланди.
Шоира МУХАМЕДОВА

“Ёз — 2009”

ОРОМГОҲЛАРДА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Пойтахтимизда болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш масаласига бағишланган республика семинар-кенгаши ўтказилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, муассасалар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.


Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари О.Мухиддинова, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика санитария-эпидемиология назорати марказининг бош шифокори Н.Отабоев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси ўринбосари О.Жамолиддинова ва бошқалар Юртбошимиз раҳнамолигида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Мактаб ўқувчиларини соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика доимий комиссиясининг фаолият олиб бораётгани, турли вазирлик ва идоралар, муассасалар, ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари томонидан ёз мавсумига пухта тайёргарлик кўрилатгани бунинг ёрқин далилидир.

Семинарда бу йил 766 болалар оромгоҳида, шу жумладан, шаҳардан ташқаридаги, санатория типидagi, спорт-соғломлаштириш, мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда 245 миң нафардан зиёд ўғил-қиз дам олиши кўзда тутилган кайд этилди. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида чекка ҳудудлардаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, серфарзанд оилаларнинг ўғил-қизлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ёзги дам олиш масканларига кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Айни пайтда барча оромгоҳларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тубдан таъмирлаш, уларни тоза ичимлик суви, озик-овқат маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар, зарур жиҳозлар, спорт анжомлари, мебеллар, тўғарақ ва секциялар учун керакли воситалар, бадий адабиётлар билан таъминлаш ишлари давом этмоқда.

Семинарда ёзги соғломлаштириш мавсумини ўтказишда касаба уюшмалари ташкилотларининг вазифалари, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида санитария-гигиена қоидаларини таъминлаш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР

● Хусайн воиз Кошифий айтади:
— Ватан шарафи учун ғайрат билан ишга киришган киши машаққат тортишдан кўркмасин. Агар ғайрати соясида мақсади ҳосил бўлса, демак у муродига етибди, мабодо иши етарли даражада бўлмай, кейинга қолиб кетса, оқиллар қошида у киши узрлидир. Ватанга хизмат қилишдек улуг мақсад йўлида ҳиммати баланд бўлган киши халқ кўнглида сақланади.

Байт:

Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун,
Инсон ҳаётида қолур беамзун.
● Ватандан ташқарида бахт йўқ,
ҳар ким жонажон ерида илдиз отсин.
● Ватан таркини бир нафас

айлама,
Яна ранжи гурбат ҳавас айлама.

● Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди.

● Ватанга муҳаббат — бутуннинг бир бўлаги сингари, одамзотга бўлган меҳру муҳаббатдан вужудга келиши керак.

● Ҳақиқий соф виждонли киши ўзидан оилани, оиладан Ватанини, Ватандан инсониятни устун қўймоғи керак.

● Фарзандларимиз — келажагимиз. Бу сўз бежиз айтилмаган. Болаларимизнинг қандай бўлиб етишиши келажак тақдирини белгилайди. Қолаверса, бўлғуси авлодни, насл-насабини ўйлаган киши мутлақо зарарли одатларга берилмайди. Ана шунда тарбия ҳам ўз ўрнига тушади, ёш авлод соғлом ва бақувват бўлиб ўсади.

● Маънан соғлом бўлиш учун жисман бардам бўлиш ҳам лозим.

● Хотирани кучайтиришнинг энг муҳим шарти асабларнинг соғлом бўлишидир. Бунинг учун эса бадантарбия билан шуғулланиш лозим.

● Охирига етмагунча доноларга уч нарса ҳақида сўзлаш нолойик: сафардан қайтмагунча мусофир ҳақида, душманини енгмагунча жангдагилар ҳақида, кўзи ёрмагунча ҳомиладор хотин ҳақида.

● Ҳали охири номаълум иш ҳақида одамларга олдиндан сўзлаш нолойқидир.

● Машойхлар энг улугъ яхшилик табибларнинг донишмандлиги, олимларнинг етуқлиги ва ўз илмига амал қилувчилигидир, деб бежиз айтмаганлар.

● Ёғду билан зулматнинг тенг келиши номуносибдир.

● Илм — ўрганишдан, фикр — тажриба ва синовдан, англаш — тафаккурдан иборатдир.

● Яхши хислат жаҳонда олий мартаба ва юксак даражага етказувчидир. Аммо бунга етишиш воситаси илм ва одоб бойлигидир.

Байт:

Илм саодатга йўлловчи машъал,
Жоҳиллик ўлимга бошлар ҳар маҳал.

Тошкент шаҳридаги II Республика Тиббиёт коллежи томонидан 2008 йил Примова Насиба Малик қизи номига берилган № 0088291 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Уразбоев кўчаси, 68-уй, 15-хонадонда яшовчи Исабеков Адил Курбанович номига берилган Ер режаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

(Газетанинг навбатдаги сони 27-майда чиқади.)

Сув полоси

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Наманган шаҳрида сув полоси бўйича мамлакат очик биринчилиги уюштирилди.

Унда Тошкент шаҳри, Наманган вилояти спортчилари голиблик учун кураш олиб боришди. Қизлар ўртасида ташкилланган баҳсларда Наманган вилояти Халқ таълими бош бошқармасига қарашли 23-болалар ва ўсимирлар спорт мактаби тарбияланувчиларига биринчи ўрин насиб этган бўлса, эркеклар беллашувларида омад Тошкентнинг Марказий ҳарбий спорт клуби жамоасига қолиб боқди. Шунингдек, пойтахтимиздаги 13-болалар ва ўсимирлар спорт мактаби ва Республика Халқ таълими вазирлиги жамоаси аъзолари ҳам совриндорлар сафидан ўрин эгаллашди.



Футбол

ҲАМИЮРТЛАРИМИЗНИНГ ҒАЛАБАСИ

Маълумки, жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Миср Араб Республикасида футбол бўйича ёшлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли турнирда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ўқув-йиғин машғулот-

ни ўтказиш мақсадида Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрига жўнаб кетганлигидан мухлисларнинг хабари бор албатта.

Куни кеча ёшлар терма

жамоамиз Бокуда Озарбойжон ёшлар терма жамоаси билан назорат ўртоқлик учрашувида куч синашди. Қизиқарли, ҳужумкор, тезкор ва ўзбекистонлик ёш чарм тўп усталарининг бироз устунлиги остида ўтган беллашув 1:0 ҳисобида ҳамюртларимизнинг ғалабаси билан яқунланди. Дарвозага голни иқтидорли футболчи Зоҳир Примов киритди.

(Ўз мухбиримиз)

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. Факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3752 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқхонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

156